

## НОМУСГА ТЕГИШ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИ

**Хуснидинов Азиз Шавкат ўғли**

*ИИВ Академияси 311-гурух курсанти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада номусга тегиши жиноятининг виктимологик профилактикасига берилган тариф ва унинг моҳияти, номусга тегиши жиноят тушунчасига берилган тариф, номусга тегиши жиноятининг келиб чиқиши сабаблари, омиллари ва уларнинг профилактикаси ёритиб ўтилган.

**Калим сўзлар:** жиноятчилик, номусга тегиши жиноятчилик тушунчаси, номусга тегиши жиноятчилик омиллари ва профилактикаси

**Annotation:** This article describes main features of the activities of the inspector of prevention of rape crimes, experience of foreign countries, norms governing this activity and the practice of their application are analyzed in depth, proposals and recommendations for improvement are developed.

**Key words:** crime, features of the activities of the inspector of prevention of rape crimes.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг сони ошиб бориши, бутун дунё миқёсида глобал муаммога айланиб бораётганлиги хеч биримизга сир эмас. Ушбу жиноялатнинг маълум бир қисмини рецидив жиноятчилар томонидан содир этилаётганлиги барчани ташвишга солмоқда. Бу эса ресидив жиноятчиликни муаммосини ўрганиш ва унга қарши қурашишни такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизнинг қонун ҳужжатларида “номусга тегиши”, “жинсий зўравонлик”, “жинсий эркинлик”, “аёлларга нисбатан зўрлик ишлатиш” “тазиик ва зўравонликдан жабрланувчи”, “тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш”, “тазиик ва зўравонликнинг олдини олиш”, “ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси” атамаларнинг тушунчаси мавжуд. Биргина

жиноят ҳуқуқий доирада жинсий эркинлик нима эканлиги ва унинг бузилишига доир тушунчалар, жавобгарлик шакллари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 118-моддаси номусга тегиш жинояти деб аталади. Ҳар бир жиноятнинг ўз таркибий элементлари бўлади. Айнан таркибнинг мавжудлиги қилмишни жиноят ёки жиноят эмаслигини белгилайди. Шундай қилиб жиноят таркиби жиноятнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, ўзида жиноятнинг барча аломатларини мужассамлаштирган бўлади ва шу аломатларнинг шахс томонидан содир этилган ижтимоий хавфли қилмишда мавжуд эканлиги қилмишни жиноят деб ҳисоблаш учун асос бўлади. Жиноят таркибининг тўрт белгиси элементлар орқали таърифланса, ҳар бир томони эса муайян аломатлар орқали ифодаланади. Объектив белгилар деганда жиноят таркибининг обьекти ва объектив томонларини таърифловчи белгилар назарда тутилади, субъектив аломатлар деганда эса, жиноятнинг субъектив томони ва жиноят субъектини ифодаловчи белгиларга айтилади.

Зўравонликнинг кўринишлари турлича бўлиб    Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрьдаги ЎРҚ-561-сонли “Хотин-қизларни тазиик ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида“ Конунида зўравонликнинг тўрт асосий тури белгиланган.

Яъни:

жисмоний зўравонлик

рухий зўравонлик

жинсий зўравонлик

иқтисодий зўравонлик

Жисмоний зўравонликка қўйидагиларни киритиш мумкин:

шапалоқ тортиш, тепиш, туртқилаш, мушт билан уриш;

турли ўткир буюм ва нарсаларни отиш;

қурол билан хавф солиш ёки яралаш;

уйдан чиқишига жисмонан йўл қўймаслик;

кечаси ухлашга қўймаслик ва бошқа.

Жисмоний зўравонлик тушунчасини қўйидаги уч йўналишда тушунтириш

мумкин. Биринчи йўналишда: зўравонлик жисмоний калтаклаш, баданга шикаст етказиш, зарба бериш, номусга тегиш, озодликдан маҳрум этиш. Иккинчи йўналишда: зўравонлик бу факат соғлиққа зарар етказиш ёки жисмоний азоб бериш. Учинчи йўналишда: зўравонлик бу шахснинг руҳиятига таъсир қилган ҳолда унинг ихтиёрига зид равишда мажбурлашдир. Номусга тегиш жиноятлари руҳий ҳукмронлик таъсири остида содир этилишини ва уларга хос бўлган хусусиятларни ўз тадқиқотларида асосланади.

Руҳий зўравонлик кўпинча таҳдид қилиш, ҳақоратлаш, камситиш, зулм қилиш шаклида намоён бўлади. Фикримизча, барчаятда аёлларга нисбатан руҳий зўравонлик содир қилингани ҳолда келиб чиқувчи жинсий эркинликка қарши жиноятлар ва бошқа жиноятларнинг латентлик даражаси жуда юқори ва бу муаммонинг ечими ҳали топилмади. Энг ачинарлиси бу уларнинг ва улар билан бир қаторда келажагимиз бўлган ёш авлод руҳиятига қаттиқ таъсир қилишини салбий оқибатларини барчаятимиз англаб етмади. Ваҳоланки, жинсий тажовузнинг қурбони бўлган аёл келгусида тарбиялайдиган фарзанд албатта барчаятга ва инсонларга нисбатан нафрат руҳида улғаяди, ва бу уларда келгусида зўравонликдан жабрланиши эҳтимолини кучайтиради. Холбуки, руҳий зўрлик ва жисмоний зўрлик бир-бирини тақозо этувчи ҳамда бири иккинчисини тўлдиргандагина оқибат келиб чиқиши мумкин

Руҳий зўравонликка қўйидагиларни киритиш мумкин:  
касал ёки ҳомиладор бўлганда унга ёрдам беришдан бош тортиш,  
тиббий ёрдам олишига қаршилик кўрсатиш;  
доимий равишда танқид қилиш, хафа қилиш, ғазабга келтириш, яъни (сен жуда семизсан ёки озғинсан, ахмоқсан, энг бўлмағур онасан, тўшкақда бўлмағур шериксан) ва ҳоказо.

Жинсий зўравонликка қўйидагиларни киритиш мумкин:  
эркакнинг аёли билан факат жинсий обьект сингари муомала қилиши;  
жинсий алоқадан бош тортиш ёхуд аёлга мулойимлик қилмаслик;  
зўрлаш йўли билан жинсий алоқа қилишга киришиш;  
аввал калтаклаб, кейин жинсий алоқа қилиш;

порнографик кўринишдаги бузуқ хатти-ҳаракатларни қўришга ёки такрорлашга мажбурлаш;

а) доимий равишда ҳаммага рашқ қилиш ва кимлар биландир зино-корликда айблаш ва ҳоказо.

Иқтисодий зўравонликка қўйидагиларни киритиш мумкин:

бирламчи эҳтиёжлари (озиқ-овқат, кийим-кечак, дори) учун асоссиз пул бермаслик;

уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш;

таълим олиш ва меҳнат қилишга рухсат бермаслик;

ўзи топган пулни тасарруф этишга йўл қўймаслик;

оила бюджетидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва ҳ.к.да намоён бўлади.<sup>1</sup>

2023йида ички ишлар органларига хотин-қизларга нисбатан тазиқ ва зўравонлик ҳолатлари юзасидан 39 343 та мурожаат келиб тушган ва шунча хотин-қизни ҳимоя қилиш мақсадида ҳимоя ордерлари расмийлаштириб берилган.

Жиноятнинг обьекти жиноий тажовуз қаратилган ва ана шу тажовуз туфайли унга заар етказилиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатлардир. Жиноят жиноят қонуни билан муҳофаза қилинадиган ҳар қандай ижтимоий муносабатларга, масалан, шахснинг ҳаёти, соғлиғи, қадр-қиммати, давлат манфаатларига, мулк ҳуқуқини амалга оширишга, одил судловни амалга оширишга хўжалик ёки қтисодий фаолият ва бошқаларга зиён етказади.

Жиноят таркибининг иккинчи элементи унинг обьектив томонидир. Қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги жиноятлар обьектив томонининг зарурый белгиси ҳисобланади. Бироқ кўпчилик қилмишларни жиноят деб ҳисоблаш учун у туфайли рўй берган маълум бир оқибатларини аниqlamoқ зарур. Амалга оширилган ижтимоий хавфли қилмиш ва унинг натижасида келиб чиқсан оқибатлар орасидаги сабабий боғланиш моддий таркибли жиноятларнинг

<sup>1</sup> Зўравонлиқдан жабрланганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва зўравонликнинг олдини олиш Услубий қўлланма Пулатова, Ш. А. Тошкент — 2020

учинчи, зарурий белгиси хисобланади. Жиноятнинг объектив томони факультатив белгиларисиз тўла бўлмайди. Демак, жиноятнинг объектив томони: ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ва унинг амалга оширилиши натижасида келиб чиқадиган оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш, шунингдек, факультатив белгилар: жойи, вақти, усули, шароити, жиноятни амалга ошириш қуроли ва воситаси сингари белгилардан иборатdir. Жиноят таркибининг учинчи элементи унинг субъектив томонидир. Жиноят таркибининг субъектив томони жиноий қилмишнинг ички томони бўлиб, шахснинг ўзи содир этган ижтимоий хавфли қилмиш ва унинг оқибатларига бўлгаи руҳий муносабатини кўрсатади. Бунда айбидан ташқари жиноятнинг субъектив томонини таснифловчи» мотив ва мақсад ҳам мавжуд бўлади.

Жиноят таркибининг тўртинчи элементи уни содир этган шахс, яъни жиноятнинг субъектидир. Жиноят кодекси 17-моддасига биноан жиноий жавобгарликка жисмоний шахслар тортиладилар. Ўзбекистон Республикаси жинояг ҳуқуқига биноан фақат жисмоний шахсларгина жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин.<sup>2</sup> Номусга тегиш жиноятида айнан жиноят объекти фуқоролар томонидан тушунилмай қолинади. Қуйида шу холатга изоҳ берамиз. Жиноят Кодекси 118-моддасининг обекти шахснинг эркин жинсий ҳаётини таъминловчи ижтимоий муносабатлар хисобланади. Хўш жинсий эркинлик ўзи нима? Жинсий эркинликка таҳдит, тажоввуз нима? Жинсий эркинлик бу- ҳар бир шахснинг ўзи истаган бошқа жинсдаги шахс билан ихтиёрий жинсий яқинликка кира олиши демакдир. Жинсий эркинликка тажоввуз эса, шахснинг ихтиёрига қарши бориб бир шахс томонидан иккинчи шахсга куч ишлатиш, зўрлик қилиш, уни ожиз ҳолатга келтириш, ёхуд шахснинг ожизлигидан фойдаланиб ёки реал хавф билан қўрқитиш орқали жинсий яқинлик қилиш тушунилади.<sup>3</sup>

Номусга тегиш деганда (ЖК 118-моддаси), аёл жинсидаги шахс билан унинг эркига қарши ёки эркидан ташқари зўрлик ишлатиб, қўрқитиб (бундан

<sup>3</sup> Жиноят ҳуқуқи (маҳсус қисм) М.Ҳ.Рустамбоев Тошкент 2018. 192-193-бет

буён матнда-таҳдид этиб) ёхуд жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, табиий усулда жинсий алоқа қилиш тушунилиши лозим. Агар ўша ҳолатларда айборнинг ҳаракатлари жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга қаратилган бўлса, қилмиш ЖК 119-моддаси билан квалификация қилиниши керак. Бунда қонуннинг мазкур моддаси билан жиноий жавобгарлик бундай ҳаракатлар аёл жинсидаги шахсга нисбатан ҳам, эркак жинсидаги шахсга нисбатан ҳам содир этилганда келиб чиқади.

Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришда зўрлик ишлатиш деганда жабрланувчининг қаршилигини енгишга қаратилган ҳаракатларни содир этиш, масалан, зарбалар бериш, нафас йўлларини сиқиш, оёқлари, қўлларини ушлаб туриш, кийимларини йиртиш ва х.к.лар тушунилади. Агар номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш пайтида жабрланувчига оғир шикаст етказилса, айборнинг ҳаракатлари ЖК 118-моддаси ёки 119-моддаси ва ЖК 104-моддасининг тегишли қисми мажмуи билан квалификация қилинади. Таҳдид этиш деганда жабрланувчининг қаршилигини енгиш мақсадида уни жисмоний зўрлик ишлатиш нияти аниқлигини ифодаловчи ҳаракатлар ёки сўзлар билан қўрқитиш тушунилиши лозим.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

<https://lex.uz/uz/> (Normativ hujjatlar bazasi)

[www.google.com](http://www.google.com) (Butun jahon qidiruv tizimi)

<https://aniq.uz/uz> (yangiliklar )

<https://uz.wikipedia.org/> (Qidiruv resurslar ba'zasi)

<https://cyberleninka.ru/> (Elektron kutubxona)

<https://kun.uz/>(yangiliklar)